



УЎК: 631.53.02

**Арипова Шахноза Рахмановна, к.х.ф.ф.д., Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий -тадқиқот институти, Тошкент вилояти**

**Арипова Шахноза Рахмановна, PhD., Научно-исследовательский институт овоще-бахчевых культур и картофеля, Ташкентская область**

**Aripova Shakhnoza Rakhmanovna, PhD., Research Institute of Vegetable, melon crops and potato, Tashkent region**  
aripovashakhnoza@gmail.com

### **САБЗАВОТ ҚОВОҚЧАСИНИ УРУҒЛИК МЕВАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ АГРОТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ СЕМЕННЫХ ПЛОДОВ ОВОЩНОГО КАБАЧКА AGROTECHNOLOGY FOR GROWING SEED FRUITS OF VEGETABLE SQUASH**

**Аннотация.** Аҳолининг озиқланишида сабзавот маҳсулотлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва шу сабабли республикада ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. «FAOSTAT» дан олинган маълумотларга кўра (2020), қовоқ ва қовоқчани жаҳон бўйича ишлаб чиқарилиши 35,4 млн. тоннани ташкил этган. Қовоқ ва қовоқчани ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлар қаторига Хитой (7,48 млн.т), Ҳиндистон (5,11 млн. т.), Украина (1,27 млн. т.), Россия (1,14 млн. т.) ва АҚШ (1,05 млн. т.)ни киритиш мумкин. Мамлакатлар миқёсида бу экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги 20,7 т/га, Баҳрайнда 74,0 т/га, Индонезияда 68,0 т/га, Испания, Хитой ва Польшада 41,6 т/га дан 49,8 т/га ни ташкил этади [1]. Ўзбекистон Республикасида қовоқ ва қовоқча экинлари эгаллаган умумий майдони 9571 минг гектарни, ялпи ҳосил 180,0 минг тоннани ва ўртача ҳосилдорлик 18,8 т/га ни ташкил қилади. Озиқ моддалар ва витаминларга бой қовоқча маҳсулотларига ички ва ташқи бозор талабининг ортиб бориши сабабли юқори маҳсулдор навларни жорий этиш ва уруғчилигини ташкил қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Аннотация.** Продукты овощеводства приобретают всё большее значение в питании населения и поэтому развитию этой отрасли в настоящее время уделяется большое внимание. Производство плодов тыквы и кабачка в мире, по данным за 2020 г. «FAOSTAT» , составляет 35,4 млн. т. Лидерами производства тыквы и кабачка являются такие страны, как Китай (7,48 млн. т.), Индия (5,11 млн. т.), Украина (1,27 млн.т.), Россия (1,14 млн. т.) и США (1,05 млн.т.). Средняя урожайность данных культур по странам мира составляет около 20,7 т/га; в Бахрейн – 74,0 т/га, Индонезии - 68,0 т/га, Испании, Китае и Польше она составляет от 41,6 до 49,8 т/га [1]. Общая площадь, занятая под культурами тыква и кабачок в Республике Узбекистан составляет 9571 га, валовый сбор – 180,0 тыс. тонн и средняя урожайность 18,8 т/га. В связи с увеличением спроса внутреннего и внешнего рынка на продукцию кабачка, богатую питательными веществами и витаминами, внедрение высокопродуктивных сортов и организация семеноводства имеют важное научно-практическое значение.



**Abstract.** Vegetable products are becoming increasingly important in the nutrition of the population, and therefore, much attention is currently being paid to the development of this industry. The production of pumpkin and squash in the world, according to FAOSTAT data for 2020, is 35,4 million tons. The leaders in the production of pumpkin and squash are such countries as China (7,48 million tons), India (5,11 million tons), Ukraine (1,27 million tons), Russia (1,14 million tons) and the USA (1.05 million tons). The average yield of these crops in the countries of the world is about 20,7 t/ha; in Bahrain – 74,0 t/ha, Indonesia – 68,0 t/ha, Spain, China and Poland it ranges from 41,6 to 49,8 t/ha [1]. The total area occupied by pumpkin and squash crops in the Republic of Uzbekistan is 9571 hectares, the gross harvest is 180,0 thousand tons and the average yield is 18,8 t/ha. Due to the increase in domestic and foreign market demand for squash products rich in nutrients and vitamins, the introduction of highly productive varieties and the organization of seed production are of great scientific and practical importance.

**Калит сўзлар:** қовоқча, уруғлик, етиштириш, ўғитлаш, нав тозалиги, ҳосил йиғиш, уруғ олиш, ҳосилдорлик.

**Ключевые слова:** кабачки, семенник, возделывание, удобрения, сортовая чистота, сбор урожая, получение семян, урожайность.

**Key words:** squash, seed plant, cultivation, fertilizer, varietal purity, harvesting, seed production, yield.

Қовоқча уруғлари меваларининг биологик етуқлиги бошланиши билан бир вақтда, яъни кўк мевалари узиладиган пайтдан анча кечроқ пишади. Шу муносабат билан уруғлик экинлари етиштириш технологияси овқатга ишлатиладиган экинларни етиштириш технологиясидан бир қадар фарқ қилади, лекин кўпгина умумий томонлари ҳам бор.

Уруғлик экинни ўтган йилги шу экиндан бўшаган майдонларга жойлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бунда экилаётган нав биологик йўл билан ифлосланиб қолиши мумкин. Уруғлик экин учун нав сифатлари жиҳатидан биринчи тоифали уруғлар ишлатилиши керак.

Уруғлик учун экиладиган қовоқча экинлари унумдор ва яхши ўғитланган участкаларга жойлаштирилиши лозим. Шу экин уруғини етиштиришда ҳар гектар ерга 20 тонна гўнг, 150 кг дан азот билан фосфор ва 75 кг калий солиниши керак. Экинлар органик ва минерал ўғитлар билан шу тариқа ўғитланган ерларга экилганида ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги ортади ва уруғларнинг ҳосилдорлик сифатлари яхшиланади.

Уруғ мевалари 3,5-4 ойдан кейин етилиб пишади. Шу муносабат билан такрорий экин тариқасида ёзда экилган экинлардан уруғ олиб бўлмайди. Экинлар баҳорда: қовоқча апрелнинг биринчи ярмида экилганида ўсимликларнинг ўсиб, ривожланиб бориши, уруғлик мевалар тугилиб, уруғларнинг яхши шаклланиб олиши учун энг қулай шароитлар юзага келади. Уруғлик экинлар ана шу муддатларда экилганида яхшироқ ривожланиб бориб, урғочи гуллар ва тугунчалар кўпроқ ҳосил бўлади. Экин бир мунча кечроқ муддатларда ўтказилганида ўсимликлар ривожланиши кечикиб, маҳсулдорлиги пасаяди, уруғ чиқиши камайиб кетади. Кечки муддатларда экилган экинлардан олинadиган уруғлардан маҳсулдорлиги кам, озиқлик хоссалари паст бўладиган ўсимликлар ўсиб чиқади.



Уруғлик экинлари етилиш даврига кирганида меваси кўклигича узиладиган экинларга қараганда камроқ суғорилади. Ўсимликлар 2-3 чин барг чиқарган пайтда уларга гидрел ва кампозан эритмаларини пуркаш (300-400 мл/л) ўсимликларнинг ўсишини бир мунча сусайтириб, урғочи гуллари ва тугунчалари сонини кўпайтиради, уруғ ҳосилдорлигини оширади.

Қовоқча экинининг уруғ ҳосилдорлиги ҳар бир тупидаги меваларининг камида уч донаси қолдирилганида ҳаммадан юқори бўлади. Шу сабабли майиб-мажрух меваларни йўқотиш учун экин эндигина мева қилаётган пайтда кўк меваларини 2-3 марта узиш етарлидир. Уруғлик ўсимликларда кам миқдор меваларни қолдириш, гарчи уруғнинг физик хоссаларини кучайтириб, ҳосилдорлик сифатларини оширсада, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди, чунки уруғ ҳосилдорлигини анча камайтиради.

Экиладиган экинларнинг нав сифатлари ёмонлашиб қолишининг олдини олиш учун аввало уруғларнинг механик ва биологик ифлосланишига йўл қўймаслик керак. Экиладиган навларни тоза сақлаб бориш учун хўжаликда ҳар бир экиннинг фақат битта навини экиш зарур. Мабодо бир неча нав экиладиган бўлса, очиқ жойларда камида 1000 м ва ёпиқ жойларда 500 м фазовий изоляция бўлишини кўзда тутиш керак. Нави бир хил, лекин тоифаси ҳар хил экинлар ўртасида қовоқча хусусида 50 м га қадар қисқартирилади.

Қовоқча экинининг нав тозаллигини сақлаб бориш учун вегетация даври давомида камида уч марта: экинлар гуллашидан олдин, кўк мевалари пайдо бўлганида, уруғлик мевалари етилганида нав тозалаш ишлари ўтказилади. Мевалари етилиб келаётганида дала апробацияси ўтказилади. Зарур бўлса, апробациядан кейин ҳам нав тозалаб олинади. Нав тозалаш билан бир вақтда касал теккан ва майиб-мажрух меваларни узиб ташлаб, физиологик тозалаш ишлари ҳам олиб борилади.

Қовоқча экини асал арилар ёрдамида чанглатиладиган бўлса, бу экинларнинг уруғ маҳсулдорлиги анчагина ошади, шунингдек уруғларнинг экинбоплик сифатлари яхшиланади. Ўсимликлар нормал чангланиши учун уруғлик экинлар билан банд бўлган майдонларнинг ҳар 2 гектар ерига 5 тадан мўлжаллаб ари уяси қўйиш зарур. Етиштириладиган уруғларнинг экинбоплик сифатларини ошириш учун тавсия этиладиган экиш муддатларига, экинларни озиклантириш ва суғориш тартибига риоя қилиш, агрофонни юксак даражада сақлаб бориш, уруғлик меваларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва навни яхшилайдиган танлаш ишларини олиб бориш зарур. Уруғлар навини яхшилайдиган танлаш ишлари ўтказилаётганда энг йирик, шакли ва ранги рисоладагидек бўлган етук мевалар саралаб олинади. Ўсимликлар уруғини олиш учун танланганда суперэлита берадиганлари 5 фоизни, элита берадиганлари 40-50 фоизни ва биринчи репродукция берадиганлари 70 фоизни ташкил этади. Уруғлик ўсимликлар палагининг биринчи тартиб шохларида битган меваларидан олинган уруғларнинг экинбоплик сифатлари ҳаммадан яхши бўлади.

Қовоқча уруғлари навининг тозаллиги бўйича уч тоифага бўлинади: уруғларнинг биринчи тоифаси 99, иккинчи тоифаси – 97, учинчиси – 95 фоиз бўлади. Учинчи тоифа уруғларига бошқа нав ва дурагайлар аралашган бўлиши мумкин, лекин буларнинг кўпи билан 1 фоиз бўлишига йўл қўйилади. Экинбоплик сифатларига қараб бу экиннинг уруғлари 1- ва 2- синфларга бўлинади. 1-синф қовоқча уруғларининг унувчанлиги кам деганда 95, 2-синф уруғлар унувчанлиги эса, 80



фоизни ташкил этади. Асосий экин уруғларининг миқдори барча экинларда 99 ва 96 фоизни ташкил этади, қовоқчада бошқа экинлар уруғларининг миқдори 0,1 ва 0,2 фоиз бўлиши мумкин.

Қовоқчада уруғлик меваларининг етилганини пўстининг қаттиқлигига қараб аниқланади. Нотўғри шаклдаги, етилмай қолган мевалар алоҳида йиғилади. Уруғлик мевалар кенг қамровли трактор платформалари ёрдамида бир ёки икки марта йиғиб олинади. Бодринг ҳосилини йиғиб оладиган комбайн қўлланиладиган бўлса, уруғлик меваларни бир марта йиғиштириб олиш мумкин.

Йиғиб олинган мевалар сараланади. Етилмай қолган типик мевалар етуклик даражасига қараб, 5-20 кун давомида димлаб қўйиб етилтирилади. Димлашда мевалар баландлиги билан эни кўпи билан 1-1,5 м келадиган тўп қилиб ёйиб қўйилади. Уруғлик меваларни узиш ва улардан уруғларни ажратиш олиш муддатларини уруғларнинг етуклик даражасига қараб белгилаган маъқул. Меваларни уруғларининг намлиги 35-38% бўлиб турган пайтда узиш, бу мевалардаги уруғларни эса, уруғ намлиги 33-35% га келган вақтда ажратиш олиш керак. Уруғларнинг намлиги меваларни узиш олдида экин димлаб, етилтирилганидан кейин уч карра 5-6 донадан уруғлик мева намунасини олиб, текшириб кўриш йўли билан аниқланади.

Қовоқча уруғлари меваларидан қўлда ажратилади. Бунда уруғлик мевалар узунасига кесилиб, уруғлари қошиқ билан олинади, бижғитиб қўйилмасдан, дарров ювилади, сўнгра намлиги 13-14% га келгунича офтобда, кейин 7-8% намликкача қуриткичларда қуритилади. Қовоқча меваларидан чиқадиган уруғ миқдори экиннинг нави ва қандай шароитларда етиштирилганига боғлиқ бўлиб, бир тонна уруғлик мева ҳисобидан олганда бир тонна қовоқча меваларидан чиқадиган уруғ миқдори 10-15 кг га уруғ чиқади. Қовоқча уруғларининг ҳосилдорлиги гектарига 250-300 бўлади [2].

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. FAOSTAT Statistics Database. FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.
2. Дусмуратова С.И., Хакимов Р.А., Арипова Ш.Р. Қовоқча (*Cucurbita pepo* L.) мевалари ва уруғларини етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Т.: 2020. 1-21-б.